

МЕХНАТ, ТИНЧЛИК БАЙРАМИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ



СССР УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 100 (17.382).

1 май 1979 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

АССАЛОМ, МАЙ

Бутун бутун инсоният одатдан ташқари эрта уйғониб, меҳнат аҳлининг халқаро бирдамлик куни — 1 Майни байрам қилгани намоёнига отланмоқда. Невадда отган тонг бошлаб берган бахтиёр замонанинг хур ва эркин фарзандлари бўлиши совет кишилари учун бутун тантананинг гашти ўзгача. Улар инсоният баҳори — Улуғ Октябрь социалистик революцияси байроғини баланд кўтариб борган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг нурли манзилларини бутун дунё халқларига бамисоли машъал бўлиб кўрсатиб турибдилар.

Ҳар йилги байрамнинг ўзига яраша гашти, сурури бўлади. Лекин бу йилги байрам тантанаси улугворлиги алоҳидадир. Совет кишилари кун кеча биринчи беш йиллик план қабул қилинганлигининг олтин тўйини нишонлади. Ўтган йрим аср совет кишилари ҳаётида чуқур из қолдирди. Маълумки, биринчи беш йиллик воситининг революцион тарада ҳаргизини, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатлари, ишчилар синфининг, бутун халқнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги раҳам бўлиб қолди. У совет беш йилликларининг поғонасини бошлаб берди. Бу беш йилликларнинг ҳар бири иқтисодий, фан-техника ва социал тараққиёт чўққилари сари юксак поғонага кўтарилишнинг имконини берди. Бунинг маънавият миллий даромаднинг ўсишида ҳам яққол кўриш мумкин. Миллий даромад биринчи беш йилликдан буён 68 баравар кўпайиб, халқ ҳужалиқининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 34 баравар ортди. Шу вақт ичида минг-минглаб саноат корхоналари қад кўтарди, улкан территориялар ишлаб чиқариш комплекслари вуқудга келтирилди.

Мамлакатимиз юксалишининг шундай ойдин йўлга чиқиб олдики, ҳозирги вақтда бизда бир йил ичида ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотини умуман биринчи беш йилликдагига нисбатан 20 баравар кўпдир. Мамлакатимиз дастлабки беш йиллик бошлангишига қадар саноат ишлаб чиқариши ҳажми иқтисодий Европадаги йирик мамлакатларнинг ҳар биридан ортиқда қолган бўлса, бутун кунда Гаврий Европадаги барча давлатларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам уларнинг ҳаммасидан ўзиб кетди.

Худди шундай ўсиш, юксалишларини серқўш дийримиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бутун кунда республикамиз саноат ишлаб чиқариши ҳажми дастлабки беш йиллик арафасидаги йилдагидан 76 баравар ошиб кетди. Бундан йрим аср муқаддам Ўзбекистонда 540 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, ўтган йили бу миқдор ўн баравардан ҳам ошиб кетди.

Ушунча беш йилликнинг тўртинчи йили мамлакатимиз ҳаётида оламшумул воқеалар билан бошланди. Бу йил ушунча қадирлиқ СССР Олий Советига сайлов бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг барча меҳнат аҳлига қилган Мурожаатида жонажон партияимизнинг сайловдаги программаси белгиланган. Мурожаатда олдинги сайловдан буён мамлакатимиз эришган улкан муваффақиятлар чуқур ифтихор туйғуларини билан тилга олди. Олдинги сайловдан буён 1344 йирик замонавий корхона янги тушди. Экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет кишилари 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдириб юбордилар.

Икки сайлов орасида аҳоли жон бошига реал даромадлар бешдан бир хисса кўпайди, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 19 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса 26 процент ошди. Шу вақт мобайнида 54 миллион киши ҳовли тўйларини ўтказди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзини беш йилликни улкан қўламли ва катта иқтисодий имкониятлар беш йиллиги деб атади. Бунинг жонажон республикамиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шу беш йилликда ҳосил қилинадиган миллий даромад 80 миллиард сўмликни ташкил этди. Экономика ва маданиятнинг барча тарафлари барқ уриб юксалди. Буларнинг ҳаммаси жонажон партия ва ҳукуматимизнинг деярли миллий сиёсатини изчил амалга ошираётганлигини далолат беради.

Бутун Тошкент машинасозлари, Фарғона қимёгарлари, Самарқанд чийчиқозлари, Жиззах бинокорлари, Хоразм ва Қорақалпоғистон шолкорлари, Сурхон ва Қарши воҳдаларининг илгичи толали пахта усталари, Наманган атласчилари, Бухоро газчилари — беш йилликнинг олдинги маррасида бораётган республикамиз меҳнат аҳлининг барча отрядлари оша-Ватанга, шонли Коммунистик партияимизга чексиз сарфат қилган ҳис-туйғуларини изҳор этар эканлар, жаҳон халқлари билан доимий бирдамликларини баралла баён этидилар. Улар қаҳрамон Вьетнам халқига, социализм ҳамдўстлиги мамлакатларининг меҳнаткашларига, мустақиллақ замидадан халос бўлиш, миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона кураш олиб бораётган барча халқларга қардошлик саломини йўлайдилар.

Бу йил бутун инсоният Халқаро болалар йилини нишонламоқда. Бизнинг мамлакатимизда ва тараққиётини ўз байроғига ялпир қилиб олган бошқа социализм мамлакатларида эл имтиёзли синф бўлган ёш авлод алоҳида ғам-хўрлик билан қўриб олинган. Лекин айни вайтда капитал ҳужм сурётган мамлакатларда болаларнинг асарияти оқ-яшил аяллатгани, ўқинишдан маҳрум этилаётгани, ҳали қамол томай туриб бахтсизликка дучор бўлаётгани соф виждонли кишиларда газабланган туйғуларини кўзгатмаслиги мумкин эмас. Улар планетамиз умиди, истиқбол бўлган ёшларнинг ҳақиқатан заволисиз яшашини талаб қилиб чиқмоқдалар.

262 миллион нафардан зиёд совет кишилари жаҳон меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик кунини эртанги кунларига қатъий ишонч, бахт-иббодларига пешволик қилган ҳолда кутиб олмақдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари бахт-саодати йилида қилаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан Ватан куч-қудратини ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан оширишга астойдил бел боғлашлар. Шу бонисдан ҳам байрам намоёничиликлар кўтариб олган транспортларда жамиятимизнинг раҳбар ва раҳбарчи кучи бўлган деярли Коммунистик партия шайиша, партия билан халқнинг буюк бузғилмас бирлиги шайиша қалб миннатдорчилиги сўзлари битиб қўйилган.

ЯШАСИН МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ, ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШДАГИ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙ!

КОММУНИЗМ БУНЁДКОРИ, БУТУН ДУНЁДА ТИНЧЛИК УЧУН ИЗЧИЛ КУРАШЧИ — УЛУГ СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ЯШАСИН УЛУГ ВАТАНИМИЗ — СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ!

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛГА!



Рассом Р. Зуфаров.

«ХАЛҚЛАР УРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

25 апрель кун СССР Ме-
дицина фанлари академия-
сининг президенти акаде-
мик Н. Н. Блохин раислиги-

да «Халқлар ўртасида тинч-
ликни мустаҳкамлаш учун»
халқаро Ленин мукофотлари
комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет 1977—1978 йил-
лар учун халқаро Ленин му-
кофотларини бериш тўғриси-
да тушган таклифларни кў-

риб чиқиб, шу масала юза-
сидан қарор қабул қилди.
(ТАСС).

«ХАЛҚЛАР УРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1977—1978 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги
жуда катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўр-
тасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин
мукофотлари берилсин:

Курт Бахманга — жамоат арбоби, Германия Компар-
тисини раҳбарлисини президиумининг аъзоси (ГФР).
Фрида Браунга — жамоат арбоби, Халқаро демократик
хотин-қизлар федерациясининг президенти (Австралия).
Анжела Дэвисга — жамоат арбоби (АҚШ).
К. П. Ш. Менонга — жамоат арбоби, Хиндустон —
Совет маданий жамияти президенти (Хиндустон).
Галлия Скибневскаяга — архитектор, жамоат ва дав-
лат арбоби (ИХР).

Вильма Эспин Гильойсга — жамоат арбоби, Куба хо-
тин-қизлари федерацияси раиси (Куба).

Комитет раиси Н. Н. БЛОХИН (СССР).

Комитет аъзолари: Г. В. АЛЕКСАНДРОВ (СССР), Луи
АРАҒОН (Франция), Эрик Х. С. БУРОП (Буюк Брита-
ния), Мирьян ВИНЕТТОМОНЕН (Финляндия), Ренато
ГУТТУЗО (Италия), Айна ЗЕГЕРС (ГДР), Кешав Дева
МАЛАВИЯ (Хиндустон), Соёла МАРИНЕЛЬО (Куба),
НГУЕН ТХИ БИНЬ (ВСР), К. М. СИМОНОВ (СССР),
Н. В. ТОМСКИЙ (СССР), Юзеф ЦИРАНКЕВИЧ (ПНР),
Каору ЯСУИ (Япония).



Курт БАХМАН



Фрида БРАУН



Анжела ДЭВИС



К. П. Ш. МЕНОН



Галлия СКИБНЕВСКАЯ



Вильма Эспин ГИЛЬОИС

Л. И. БРЕЖНЕВ В. ЖИСКАР Д'ЭСТЭН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комите-
ти Бош секретари, СССР
Олий Совети Президиуми-
нинг Раиси Л. И. Брежнев
билан Франция Республика-
син Президенти В. Жиска-
р д'Эстэн ўртасида 28 апрель
кун яқинловчи учрашув бў-
либ ўтди.

Самимият ва қалин инсо-
лик вазиётида ҳамда ўзаро
ишонч руҳида ўтган суҳбат
давомида халқаро вазиётнинг
ва Совет Иттифоқи билан
Франция ўртасида ҳамкор-
лик ва дўстлик муносабатла-

рини янада ривожлантириш-
нинг баъзи муҳим масалала-
ри қараб чиқилди.

Л. И. Брежнев билан В.
Жискар д'Эстэн олий дара-
жадаги янги Совет — Фран-
ция учрашувларининг самар-
али руҳда ўтганлиги ва
катта натижага берганлиги
тинчлик манфаатларига, ҳар-
бий ҳавфни қамайтиришга,
кескинликни юмшатишга ях-
ши хизмат қилади, деб ишонч
билдирдилар.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТАМОМ БЎЛДИ

КПСС Марказий Комите-
ти Бош секретари, СССР
Олий Совети Президиуми-
нинг Раиси Л. И. Брежнев-
нинг таклифига буюдан рас-
мий амалий визит билан Со-
вет Иттифоқида келган Фран-
ция Республикасининг Пре-
зиденти В. Жискар д'Эстэн
28 апрелда Москвадан вата-
нига қайиб кетди.

Франция ва Совет Итти-
фоқининг давлат байроқлари
билан безатилган Внуково
аэродромда В. Жискар д'Э-
стэн КПСС Марказий Ко-
митети аъзоси, СССР Министрлар
Советининг Раиси А. Н. Ко-
сигин, КПСС Марказий Ко-
митети Сийсий бюросининг
аъзоси, СССР ташқи ишлар
министри А. А. Громико,

КПСС Марказий Комитети
Сийсий бюроси аъзоси
кандидат, СССР Олий Со-
вети Президиуми Раисининг
биринчи ўринбосари В. В. Куз-
нецов, бошқа расмий киши-
лар қуштириб қолдилар.

Ушунча майдонда СССР
Қурулди Кучлари уч ту-
нинг — қуруқликдаги қўшин-
лар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари
ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг
вакилларидан нобрат
фахрий қоровул саф тортди
тушди.

А. Н. Косигин билан В.
Жискар д'Эстэн совет жанг-
чилари сафлари олдидан ўт-
дилар. Франция Республика-
син билан Совет Иттифоқи-
нинг давлат гимнлари ижро
этилди.

(ТАСС).

МИРМУХСИН,

Ҳамма номдаги Ўзбекистон ССР
Давлат мукофоти лауреати

ЧОРЛАЙДИ БИЗНИ ЧАМАН

1 МАЙ ШЕЪРИ

Созин оларкан қўлга, бу гал соҳилу висол...
эмас, кийла баландроқ пардада чалмоқчиман.
Шеърят юки катта, юрт ишида фил мисол —
Енг шимарган дўстлару чорлайди бизни чаман.

Ер айланмай, нур сочмай туролмагандай офтоб,
Тер тўқмай яшолмайсиз, биз ўзи шундай инсон.
Томирларда чопгандай қайноқ у қил-қизил қон,
Тикилман даламга, офарини, берибсиз тоби!

Агар ёзмаман китоб, хонам қиларди торлик,
Келардим тамом қўчиб — деб пахтазор даламни.
Анча қўлмидан келар оза касб — пахтакорлик,
Лекин ижод керак, деб дўстлар тутди қаламни.

Ғунчалар лаб очган чоғ, баҳорининг айни авжи —
Кўшлару жониворлар дўдоқлариди танда...
Оқар сулар чуқдирар, дарё қўлиси — алажи,
Навбахор кезиб юрар Сўсанбил юрт — Ватанда.

Тоғларда эриб қорлар, биз сари чопар сойлар,
Йўл-йўлакка далага бағишлаб ўтишар жой.
Дуктур-дуктур чопмоқда гунаму дўнун — тойлар,
Акса уриб тўшақда Абутанбалжон бежон...

Афгон элида кездим, эй, Ватан, амринг ила,
Ҳавас билан боқишар, обрўинг оқсон қадар.
Ишқиллоб қилган у халқ сени дўст, устоз билар,
Қўшимиз афгон бахти бўлсин доим пайдор!

Алишер токи унда, Бобури Берунийлар...
Бекиёс ижодкорлар руҳига эгдм таъзим!
Шеър ўқидик, у юрта янгради меннинг созим,
«Дўсти Шўъравий» дерлар, авом халқ бизни сыйлар.

У аргумоқ кифтидан зопимларин иқтиб,
Асрий занжир чил пора, зулматдан юрди нурга.
Капитал аждаҳоси юбормоқ бўлар ютиб —
Ғазаблар янчилиб, қўлаб тушмоқда тўрга.

Қардош Афғон юртидан, Помиру Олой оша
Яна соғиниб келдим, эй, азизим она-юрти!
Бир кўрсам жамолнинг деб, ўзбеклар унда яшар,
Дерлар: «Чаман у юртинг тўпроғини кўзга сурт».

Созин оларкан қўлга, бу гал соҳилу висол...
эмас, кийла баландроқ пардада чалмоқчиман.
Шеърят юки оғир, юрт ишида фил мисол,
Енг шимарган дўстлару чорлайди бизни чаман...

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Прези-
думининг 1979 йил 29 апрел-
даги Фармониға биноан, Ўз-
бекистон ССРда истиқомат
қилувчи, ўн ва ундан зиёд бо-
ла туғиб тарбиялаган кўп бо-

лали 690 нафар онага «Қаҳра-
мон она» фахрий унвони бе-
рилди, уларга «Қаҳрамон она»
ордени ҳамда СССР Олий
Совети Президиумининг ёр-
ликлари топирилди.

